

Марҳаматнинг мукофоти мағфират



08:00 / 02.09.2020 1902

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир киши чўлда кетаётган эди. У жуда чанқаб кетди. Шу пайт қудуқни кўриб қолиб, дарров унга тушди-да, тўйиб-тўйиб сув ичди. Чиқиб қараса, бир ит ташналиқдан лойни ялаётган экан. У киши: «Бу ит ҳам мен каби чанқабди», деди-да, қудуққа тушди. Маҳсисига сув тўлдириб, уни оғзида тишлаб, юқорига олиб чиқди ва итни суғорди. Аллоҳ унинг қилган ишини мукофотлаб, уни мағфират этди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан